

1st
online international
CONFERENCE



**THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN MINISTRY OF HIGHER
AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**FERGANA STATE UNIVERSITY
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**FOREIGN LANGUAGES FACULTY
ЧЕТ ТИЛЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ**

**THE ENGLISH LANGUAGE DEPARTMENT & THE
DEPARTMENT OF METHODS OF TEACHING ENGLISH
ИНГЛИЗ ТИЛИ КАФЕДРАСИ ХАМДА ИНГЛИЗ ТИЛИ
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ**

**THE 1ST ONLINE INTERNATIONAL CONFERENCE ON
“THE IMPORTANCE OF USING INNOVATIVE
METHODS IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES
AND TRANSLATION PROBLEMS”**

**“ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН
УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ
АҲАМИЯТИ ВА ТАРЖИМАШУНОСЛИК
МУАММОЛАРИ”**

**МАВЗУСИДАГИ I ХАЛҚАРО ОНЛАЙН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
АНЖУМАНИ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**ТЎПЛАМИ
COLLECTION**

OF ARTICLES AND CONFERENCE MATERIALS

2020 йил 15 июнь
РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ

ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ФАКУЛЬТЕТ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ

КАФЕДРА АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА И

КАФЕДРА МЕТОДОВ ОБУЧЕНИЯ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ

СБОРНИК

(СТАТЕЙ И МАТЕРИАЛОВ)

I МЕЖДУНАРОДНОЙ ОНЛАЙН НАУЧНОПРАКТИЧЕСКОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ

**НА ТЕМУ «ВАЖНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ В ОБУЧЕНИИ
ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ И ПРОБЛЕМ ПЕРЕВОДА»**

2020 г. 15 июнь

ҚИЁСИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИК ВА ЗАМОНАВИЙ ФИЛОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ.

*(Пардаева Зулфия Жўраевна, филология фанлари доктори,
ЖДПИ профессори)*

Аннотация: қиёсий адабиётшунослик, адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, адабий танқид, компаративистика, қиёсий-тарихий адабиётшунослик, чоғиштира адабиётшунослик.

Аннотация: сравнительное литературоведение, история литературы, теория литературы, литературная критика, компаративистика, сравнительноисторическое литературоведение, сопоставительное литературоведение.

Abstract: comparative literature, history of literature, theory of literature, literary criticism, comparative studies, comparative historical literature, comparative literature. **Калит сўзлар:** қиёсий адабиётшунослик, компаративистика, компаративистик адабиётшунослик, адабиётшунослик мактаблари.

Ключевые слова: сравнительное литературоведение, компаративистика, компаративистическое литературоведение, школы литературоведения.

Key words: comparative literature, comparative studies, comparative studies of literature, schools of literary studies.

Қиёсий адабиётшунослик адабиёт тарихи, адабиёт назарияси ва адабий танқид фанлари қаторида филологиянинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Қиёсий адабиётшунослик бугун компаративистика, қиёсий-тарихий адабиётшунослик, қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира адабиётшунослик каби турли хил атамалар билан юритилади. Қиёсий адабиётшунослик тараққиёти 100 йилдан зиёд даврни ўз ичига олади. Унинг тарихий ривожланиши немис тарихчиси И.Г. Гердер, шоир И.-В. Гете, олим Т.Бенфей, рус адабиётшунослари

А.Н. Веселовский, Д.С. Лихачёв, В.М. Жирмунский, Н.И. Конрад, И.Г. Неупокоева, Д. Дюришин каби адабиётшуносларнинг номлари билан боғлиқ.

XX асрда қиёсий адабиётшунослик тараққиёти АҚШ (Р.Уэллек, В.Фридерих), Германия (М.Кестинг, К.Вайс, К.Хамбургер), Франция (Клод Пишуа, Анри Гранжар), Руминия (А.Дима), Словакия (Д.Дюришин), Россия (А.Н.Веселовский) адабиётшунослик мактаблари тадқиқотларининг қиёсий адабиётшунослик учун аҳамияти катта. Жаҳон адабиётининг дурдона асарлари қиёсий адабиётшунослик учун манба вазифасини ўтайди. Қиёсий адабиётшуносликка оид ўзбек ва ҳорижий адабиётшуносликда юзага келган

янгича муносабатлар назарий манбаларга бўлган қарашларни ҳам ўзгартирмоқди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида”¹¹² белгиланган “Таълим ва фан соҳасининг ривожланиши” бўлимида белгилаб қўйилган илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга самарали тадбиқ этиш механизмларини яратиш ва ишга тушириш филология соҳасига ҳам таллуқли, бизнинг фикримизча, филологияга оид кўплаб муаммолар қиёсий адабиётшунослик методларини қўллаш орқали ечимини топади.

“Қиёсий адабиётшунослик” термини Францияда Ж.Клювьенинг “қиёсий анатомия” терминига монанд юзага келган. Ушбу терминнинг синоними

¹¹²2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. : Т., 2017.

куйидагилар: адабиётларни қиёсий-тарихий ўрганиш, қиёсий адабиётшунослик, компаративистик адабиётшунослик. Бугунги кунда методология ва метод тушунчалари қизғин баҳс ва мунозаларга сабаб бўлмоқда. Кейинги 10 йилликда ҳимоя қилинаётган диссертацияларда асосан тадқиқот методлари аниқ кўрсатилади, аммо кўпчилик диссертацияларда методологик асос тадқиқот амалга оширилишида назарий манба вазифани бажариши кўрсатилмайди. Чоғиштира метод ва қиёсий адабиётшунослик тушунчалари борасида ҳар хил талқинлар мавжудлиги сабабли диссертацион тадқиқотларда метод ва методология тушунчаларини аниқлаштиришда баъзи ноаниқликлар юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Қиёсий адабиётшунослик чоғиштиришнинг икки типига амал қилади. Булар ходисалар умумийлиги келиб чиқиши умумий бўлган умумтарихийгенетик (ёки алоқадор-генетик) муносабат, шу билан бирга қиёсий-типологик муносабат, бунда умумийлик кейинги бир-бирига яқинлик ёки тараққиётнинг умумий ижтимоий-тарихий шарт-шароитлари билан англашилади. Бу “мангу мавзулар” ва “мангу қаҳрамонлар”, умумий жанрларда, бир-бирига монанд адабий йўналишлар ва оқимлар, услубий кўринишларда ва бошқаларда намоён бўлади.

Қиёсий адабиётшунослик ва чоғиштира метод объекти матн. М.М.Бахтин ибораси билан айтганда “... бир матн фақат бошқа бир матн билан алоқадорликда яшайди, фақат матнлар бир-бири билан алоқада

тарихини ва келажагини ёритувчи нур таралади ва бу матнни диалогга чорлайди”.¹

Бугунги кунда қиёсий адабиётшунослик – замонавий филологиянинг муҳим йўналишидир. Қиёсий адабиётшуносликни ҳар бир адабиётшунослик тадқиқотини ўрганишда энг мукамал тадқиқ методи сифатида қўллаш мумкин. Чунки қиёслаш орқали ўзига хослик аниқланади, бу эса манбага хос жиҳатларга аниқлик киритишга омил бўлади. Республикамизда амалга оширилаётган филология йўналишидаги докторлик диссертацияларида (PhD и DSh) қиёсий адабиётшунослик асосий тадқиқ методи сифатида қўлланилаётганида кўришимиз мумкин. Шу сабабдан ҳам 10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик ихтисослиги бўйича амалга оширилаётган тадқиқотлар филология фанининг долзарб муаммоларига кўплаб ечим топади деб ҳисоблаймиз.

Бизнингча қиёсий адабиётшуносликнинг назарий масалалари долзарблиги “қиёсий адабиётшунослик” ва “чоғиштира метод” терминларига аниқлик киритиш орқали жаҳондаги глобаллашув шароитида маданиятлараро алоқада миллий адабиётлар ривожини қиёсий тадқиқ қилишни амалга оширишда намоён бўлади.

Шу билан бирга, чоғиштира метод ва қиёсий адабиётшунослик тушунчалари борасида ҳар хил талқинлар мавжудлиги сабабли диссертацион тадқиқотларда метод ва методология тушунчаларини аниқлаштиришда баъзи ноаниқликлар юзага келаётганини кўрсатиб ўтиш жоиз. Бадиий асарни қиёсий ўрганиш ва адабиётшунослик асарини қиёсий ўрганиш ўртасида баъзи ўзига хосликлар мавжуд. Биринчиси бадиий асар таҳлилини амалга оширади, муаллифи эса ижодкор шахс, иккинчи ўринда адабиётшунослик манба таҳлилга тортилади, муаллифи – адабиётшунос. Иккала таҳлил ҳам бадиий асар асосида олиб борилади. Биз “қиёсий адабиётшунослик” терминини адабиётшунослик манбалари тадқиқига бағишлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, шу билан бирга бадиий асар таҳлилида чоғиштира методни қўллаш қиёсий адабиётшунослик кўзлаган мақсадга эришишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг тараққий этган давлатлар ҳамжамиятига кўшилиши ҳар бир соҳани етук мамлакатлар ютуқлари ўлчови билан чамалашга имкон беради. Қиёсий адабиётшунослик XIX асрнинг иккинчи ярмида юзага келган бўлиб, бир асрдан зиёд вақт-ки, унинг турли усул ва методлари ишлаб чиқилди. XX асрнинг иккинчи ярмидан бадиий асарлар моҳиятидан келиб чиқиб талқин ва таҳлилнинг герменевтик, имманент, структурал каби методлари жаҳон адабиётшунослигида кенг қўлланилиб

¹ Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. / М.М.Бахтин. – 2-ое изд. – М., 1979. – с.384.

келмоқда, ўзбек тадқиқотчилари эса XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб ушбу методларга мурожаат қила бошладилар. XX асрнинг охири XXI аср бошларида ғарб ва рус адабиётшунослари томонидан фанлараро синергетик таҳлил усуллари ҳам қўлланмоқда. Замонавий ўзбек адабиётшунослигида ҳам диссертацион тадқиқотларда синергетик таҳлил усулларига мурожаат кузатилмоқда.

Жаҳон адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммосини адабий жараён контекстида умумлаштирувчи илмий-назарий хулосалар чиқариш эҳтиёжи мавжуд экан, XX-XXI асрлар адабиётшунослиги илмий-назарий тажрибалари, адабий-эстетик мактаблар ютуқлари бадиий асарлар поэтикасидаги ижодий концепциялар, тасвир услублари, сюжет-композиция, персонажлар тизими, шакл-услубдаги ўзига хосликларини қиёсий адабиётшунослик ёрдамида аниқлаш талқин ва таҳлилнинг кенг имконларини очиб беради.

Мустақиллик даври ўзбек адабиётшунослигидаги янгиланишлар ва уларнинг юзага келишига таъсир этган омилларни жорий адабий жараён контексти ва жаҳон адабиёти миқёсида яхлит назарий қараш ва тасаввурлар ҳосиласи сифатида ойдинлаштириш, ўзгаришларнинг тарихий-ҳаётий ва эстетик асосларини кўрсатиш, саралаб олинган асарлар мисолида ойдинлаштириш уларни қиёслаш орқали амалга оширилади. Демак-ки, қиёсий адабиётшунослик, реализм каби магистрал, янги таҳлил усул ва услубларни синтез қилиб ривожланади.

Адабиётлар:

1. 017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. : Т., 2017 2
2. ахтин М.М. Эстетика словесного творчества. / М.М.Бахтин. – 2-ое изд. – М., 1979. – с.384. Б
3. арипова Г.Т. Художественная модель бытия в литературе XX века. – Т.: Mumtozso'z, 2012. – 352 с. Г
4. амилова С.Э. Современный рассказ: содержательные векторы и повествовательные стратегии (динамика жанра в русской и узбекской литературе). – Т.: Fanvatechnologiya, 2016. – 308 с. К

5. М
ирза-Ахмедова П.М. Классика и современность в аспекте взаимодействия. –
Т.: Akademiya, 2008. – 150 с.
6. П
етрухина Н.М. Творчество Ф.М. Достоевского и мировая классика:
проблемы современной интерпретации. – Т.: Mumtozso'z, 2012. – 100 с.
7. С
равнительное литературоведение.
8. Х
рестоматия. Учебное пособие. Тюмень. Издательства Тюменского
государственного университета. 2011. 630 с.

